

Oilavy




ВАЗИЯТ

2020 йил COVID - 19 пандемияси туфайли синовли келди. Кўплаб инсонлар ишсиз ва даромадсиз қолди. Rozmetov компанияси 30 йилдан ортиқ вақт давомида фаолият юритиб, ўзининг рақобатбардош афзалликларини шакллантириди. Махсулотимиз бошқаларнига нисбатан баланд нархда бўлса-да, истеъмолчиларга яхши маълумки Биз юқори сифат, импорт қилинадиган қўшимчалар ва сифатли ҳомашёлардан фойдаланамиз. Шу билан бирга нарх ва дистрибуция масаласи рақобат бозорида камчиликка эга эди.



ЕЧИМ


Ҳамёнбоп нархлардаги, бутун оила учун мўлжалланган маҳсулотлар туркумини ишлаб чиқиш ва сотувлардан тушган даромаднинг маълум бир қисмини эҳтиёжманд оиласарга ажратиш.



Логотип ва қадоқлаш дизайни ишлаб чиқилаётганда, маҳсулотнинг турли хусусиятлари дастурхонни эслатувчи ягона композицияга уйғунлашган нақшлар, асос сифатида олинди. Савдо белгисининг номи дастурхон ва сочиқларга тушириладиган мумтоз катакли нақш устида жойлашди. Бевосита маҳсулот эса йирик иллюстрация кўринишида бажарилган. Унда маҳсулотнинг бир текис тузилиши ва ранги экс эттирилган. Натижада, жуда ёрқин ва қўзга ташланувчан қадоқлар маҳсулотлар қаторида алоҳида ажралиб турадиган бўлди.



Логотип ва фирма услубини MANO branding ишлаб чиқан.
Видео продакшен – IJODISTON production



НАТИЖА

OILAVIY- ҳамёнбоп нархларда Rozmetov сифати

OILAVIY – EZGU AMAL хайрия фонди билан ҳамкорликда даромадсиз қолган оилаларни қўллаб-қувватлашга қаратилган қўшма лойиха.

“OILAVIY”- бутун оила учун мўлжалланган маҳсулотлар бўлиб, компаниянинг “Оиламиздан оилангизга” шиорини ўзида акс эттирган.

“OILAVIY”СБ маҳсулотлари 2020 йилнинг охиридп чиқарилган бўлиб, ярим йилда сотувлар бўйича яхши натижа келтирди. Ушбу туркумдаги маҳсулотлардан бири сотувлар ҳажми бўйича компаниямизнинг энг харидоргир маҳсулоти бўлган Асл Фарход ярим дудланган колбасасига яқинлашди.

Тарғибот воситалари сифатида BTL акциялар, ташқи реклама, фикр тарғиботчилари, савдо нұқталарида савдо акциялари қўлланилди. Кейинги йилда телевидениеда реклама жойлаштириш режалаштирилган.



ROZMETOV















Коммуникация



Oilaviy

**От семьи
к семье!**



**Oilamizdan
oilangizga!**

Oilaviy

